



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 29 март, № 61 (7019)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Дунё нигоҳи

Шу кунларда хорижий оммавий ахборот воситаларининг эътибори Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил қилинган “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзuida Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясига қаратилган.

«Ўзбек дипломатиясининг катта муваффақияти»

АҚШнинг нуфузли “The New York Times” газетаси ўз муҳбири Род Нордланднинг Тошкентдан репортажини чоп этди.

The New York Times

Журналистнинг фикрича, мазкур анжуманнинг бошқа ўхшаш механизмлардан фарқи, у Афғонистон раҳбариятининг “Толибон” ҳаракати билан тўғридан-тўғри муокараларни бошлашга тайёрилиги тўғрисидаги баёнотидан кейин бўлиб ўтди. “Мамлакатдаги кўп йиллик урушга нихоят чек қўйишга умидвор бўлиш мумкин”, дея мулоҳаза қилади муаллиф.

Газета ўзининг ишончли манбаларига таянган ҳолда, “Толибон” ҳаракати орасида мулоқот зарурлиги тўғрисида жиддий қарашлар мавжудлигини таъкидлайди. “Тошкентдаги учрашув, — дея ёзилади “The New York Times” газетасида, — дунё ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва урушга татан томонларни муросага чақиришга имконият яратади”.

“Voice of America” радиостанцияси Тошкентдаги анжуман Ўзбекистоннинг янги минтақавий



стратегияси ҳаётга татбиқ этилишида навбатдаги босқич бўлгани билдиради. “Deutsche Welle” телерадиокомпанияси (Германия) эса йигирмадан ортиқ давлатлар ҳамда халқаро тўзимлар вакилларини ўз атрофида тўплаган нуфузли тадбир Афғонистонда миллионлаб бегуноҳ инсонлар ҳаётига зомин бўлган қуроли моҳирони ҳал қилиш бўйича минтақавий саъй-ҳаракатларни янада кучайтиришга қаратилганлигини таъкидлайди. Қатар давлатининг “Al Jazeera” телерадиокорпорацияси мухбирлари эса Афғонис-



тонда ўн йиллардан буён тўпланиб қолган муаммоларга ечим топишда Ўзбекистон муҳим ўрин тутишига уруғ беришди.

(Давоми 3-бетда).



Наталья ГЕРМАН:

«Минтақада ҳал этилиши лозим бўлган қалтис масалалар кўлами тобора камаймоқда»



Жаҳоннинг таниқли экспертлари, кенг жамоатчилик “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзuida Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси муваффақиятли ўтганини билдиришмоқда. Анжуман учун ташкил этилган матбуот марказида тадбир натижалари фаол муҳокама қилинди. Мухбиримиз

БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Наталья ГЕРМАНнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олди.



— Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси госяи ўтган йил ноябрь ойида Самарқандда Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил этилган яна бир муҳим тадбир — “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлида-

ги ҳамкорлик” мавзuidaги халқаро анжуманда вужудга келган эди. Минтақавий муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган ушбу форумга, шунингдек, Афғонистон Ислам Республикаси ташқи ишлар вазири Салоҳуддин Раббоний ҳам таклиф қилинганди. Ўшанда

Шавкат Мирзиёев Афғонистондаги инқирозни тинч йўл билан ҳал этиш борасида Ўзбекистонда йирик конференция ўтказиш таклифини илгари сурди.

(Давоми 3-бетда).



ЭКСКЛЮЗИВ ИНТЕРВЬЮ

Исматилла ИРГАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Афғонистон бўйича махсус вакили:

«Ўзбекистон бундан кейин ҳам тинчлик жараёнига кўмаклашади»

Давлатимиз раҳбарининг қарори билан Афғонистон бўйича Президентнинг махсус вакили институти таъсис этилганга ҳадемай бир йил тўлади. Бу мамлакатимиз ташқи

сиёсатида Афғонистон устувор аҳамият касб этишининг яна бир яққол тасдиғи бўлди.

(Давоми 2-бетда).



АҚШ Давлат департаменти Афғонистон бўйича Тошкент конференциясига муносабат билдирди

Америка Қўшма Штатлари Давлат департаментининг расмий вакили Хизер Нойерт мамлакатимизда бўлиб ўтган “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзuida Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси юзасидан муносабат билдирди.

НУҚТАИ НАЗАР

Шу мақсадда ташкил этилган матбуот анжуманида нуфузли ахборот агентликлари, матбуот нашрлари, телеканаллар вакиллари қатнашди. Тадбирда АҚШ расмий вакили қуйидагиларни баён қилди:

“Мазкур матбуот анжуманида АҚШ Давлат қотибонинг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Томас Шенноннинг ташрифи

тўғрисидаги эълондан бошламоқчиман. У Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзuida Тошкентда ўтказилган халқаро конференцияда АҚШ делегациясига бошчилик қилди.

(Давоми 3-бетда).



«Халқ сўзи» минбари

Муҳаммад ИЛТАФ ШАЙХ,
Буюк Британия Парламенти Лордлар палатаси аъзоси:

Ўзбекистон жаҳон аҳлининг ҳамиша эътиборида

Ҳар бир халқнинг жаҳоний обрў-эътибори унинг дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси билан ўлчанади. Шу маънода, ўзбек халқи орасидан етишиб чиққан буюк зотлар фан соҳасида Ўрта асрлардаёқ эришган оламшумул ютуқлар ҳозир ҳам кўпчилиكنинг ҳаёлига келмаслиғи рост.



Бундан бир неча йил илгари Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлганимда, тарихий меъморий обидаларнинг замонавий инфратузилмага нечоғли уйғунлашиб кетгани мени ҳайратга солган эди. Ўзбек халқидаги самимият, очикқўнғиллик, меҳнатсеварлик каби фазилатлар ҳам менда катта таассурот қолдирган.

2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида кузатувчи бўлиб келганимда Тошкент шаҳридаги Темурийлар тарихи Давлат музейи хотирамда ёрқин из қолдирди. Бугунги глобаллашув даврида жаҳон оммасининг эътиборини қозониш осон эмас, аммо бутун дунёда Ўзбекистон тарихи, бу заминда яшаб ўтган буюк зотлар ҳаёти ва меросига қизиқиш жуда кучли. Музей зиёрати чоғида мен бунинг сабабларини ҳис этгандек бўлдим. Чиндан ҳам, Ўзбекистон жуда улугвор, бой ҳамда фахрланас арзийдиган тарихга эга. Уни асл ҳолича ўрганиш, буюк зотларнинг инсоният тамаддунига қўшган беқиёс улушини жаҳонро кенг тарғиб қилишга қаратилаётган улкан эътибор туфайли Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи тобора юксалмоқда.

(Давоми 4-бетда).



ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ

бугун пойтахтимизда очиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида кўриб чиқиладиган масалалар ушбу мақсадларга қаратилган.

Сенатнинг мазкур ялпи мажлиси кун тартибидан “Давлат мукофотлари тўғрисида”ги (янги таҳрири), “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Давлат харидлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги (янги таҳрири), “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва

эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тўдан кучайтиришга, Ҳаракатлар

стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион қоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини изчил бажаришга, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган масалалар ўрин олган.

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўртинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси — 2018 йил 29 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари — 2018 йил 29 март куни соат 9.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесига рўйхатга олинади.

(Давоми 4-бетда).



Мўъжизалар давом этади, ҳайратлар ортаверади

Мўъжизалар одамларни ҳамиша ҳайратлантириб келган. Тошкент метрополитени ҳам ноёб ва ўзига хос ишоотлардан бўлиб, унга “Ер остидаги мўъжиза”, дея нисбат берилиши ҳам бежиз эмас.

Бунёдкорлик

Албатта, метро — энг қулай ва ишончли транспорт воситаси. Шунингдек, уни бетақор санъат асарига қийсласак арзийди. Ҳар бир бекати ўзига хос дизайнга эга миллийлик ва замонавийлик уйғунлигига асосланган. Масалан, “Алишер Навоий” бекати халқимизнинг буюк мутафаккири асарлари ҳақида муайян тасаввурлар уйғотса, “Пахтакор”, “Дўстлик”, “Бодомзор”, “Амир Темур”, “Беруний” бекатларига номига мос композициялар танланган. Қисқаси, ҳар бирининг ўз “олами” бор. Манзил сари ошиқаётганингизга қарамай, маълум фурсат ана шу “олам”га тушиб қоласиз.



билан бошланиб, айни пайтда жадал тусга кирган Тошкент метрополитенини узеитириш ҳамда янги ер усти метро қурилиши ҳам шу жиҳатидан алоҳида эътиборга молик.

Айтиш жоизки, узунлиги 7.1 километрга тенг метрополитеннинг Сергели линияси 2020 йилга қадар фойдаланишга

топтирилиши режалаштирилган. Бу ерда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятига қарашли “Кўприк қурилиш трести” унитар корхонасининг 13-кўприк қурилиш отряди жамоаси ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

(Давоми 4-бетда).





Наталья ГЕРМАН: «Минтақада ҳал этилиши лозим бўлган қалтис масалалар кўлами тобора камаймоқда»

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тошкент конференциясида қатнашган давлатлар, ташкилотлар таркибига эътибор қаратсак, ушбу ташаббус аллақачон тўлиқ қўллаб-қувватланганига гувоҳ бўламиз. Иккита йирик тadbир оралиғида Қозоғистон раислиғида Нью-Йоркда БМТ Хавфсизлик Кенгашида кенгайтирилган даражадаги учрашув ҳам ўтказилди. Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Тошкентдаги тadbир формати, мақсад ҳамда вазифалари ҳақида аниқ ахборот берди. Мазкур ташаббусни Хавфсизлик Кенгашининг барча аъзоси қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон олдига қўйган мақсадига аниқ эришди. Бундай муҳим ва нуфузли анжумани жуда қисқа вақт ичида ташкил қилди. 27 март куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев нуқт сўзлаган олий даражадаги конференцияда иштирокчилар Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш бўйича тақлифлари тўлиқ қўллаб-қувватладилар.

Минтақада тинчлик ҳамда барқарорликка эришиш учун форумда қабул қилинган чора-тадбирларни

зудлик билан амалга ошириш керак. Афғонистон Президенти Мухаммад Ашраф Гани бу ташаббусга хайрихоҳлигини билдирди.

Барча маърузачилар узоқ муддатга бўлса-да, интеграцияга эришиш йўлида ҳар бир мамлакатнинг аниқ мақсадини баён этдилар. Давлатлар томонидан билдирилган сиёсий ирода натижасида Афғонистонни қийин ижтимоий-иқтисодий шароитда қўллаб-қувватлаш мақсадида қўллаб аниқ тақлифлар ўртага ташланди. Булар қаторида Афғонистон ва Марказий Осиёни боғлайдиган газ қувури, темир йўл, транспорт коридорларини бирлаштирадиган узоқ муддатли лойиҳаларни айтиш мумкин. Уларнинг барчаси Афғонистон ҳамда минтақа давлатлари ўртасидаги савдо алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Худуддаги инқирозни тинч йўл билан ҳал этиш учун ўзига мажбуриятни олган мамлакатлар ташаббуси фавқуллода муҳимдир.

Яқунда биз сиёсий декларацияни бир овоздан қабул қилишга муваффақ бўлдик. Бу Ўзбекистоннинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ташаббусларини қўллаб-қув

ватлашнинг яққол ифодасидир. Ишончим комилки, Тошкент декларациясини имзолаш жараёни, унинг мазмун-моҳияти, айниқса, Афғонистонда диққат билан кузатилди. Ўйлашимча, уруш ва турли низо-лардан чарчаган афғон халқининг Марказий Осиё билан ҳамкорлиги кенгайиши уларга катта умид бахш этди. Албатта, ҳамма нарсани дарҳол ҳал қилишнинг имкони йўқ. Лекин давлатнинг иқтисодий ўсиши ҳамда аҳоли эҳтиёжини унутмаган ҳолда, жамият қурилишини босқичма-босқич амалга ошириш зарур. Бу истиқбол Тошкент декларациясида ва бизнинг савий-ҳаракатларимизда яққол акс этди.

Агар биз конференцияда мамлакатлар ўзаро келишганидек аниқ савий-ҳаракатларни амалга оширишни бошласак, барчамиз кўп вақтдан бери орзу қилиб келаятган Марказий Осиёда хавфсизлик, тинчлик ҳамда барқарорлиқни мустақамлашнинг доимий тенденциясини таъминлай оламиз. Мен Ўзбекистон раҳбариятини бундай муҳим тadbирни муваффақиятли ўтказгани билан табриқлайман.

Энди бевосита БМТнинг Марка-

зий Осиёдаги превентив дипломатия бўйича миссияси ҳақида тўхталсак, биз анча вақтдан бери ва мақсадли равишда Афғонистон вакиллари ми нтақанинг бешта давлати билан ўтказадиган барча тadbирга тақлиф этиб келамиз.

Бугунги кунда биз ҳамкорлиқнинг барча йўналишида изчил фаолият олиб бораёلمиз. Жумладан, Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари билан бирга минтақада парламентлараро алоқаларни мустақамлаш бўйича қатор халқаро тadbирларни режалаштирдик. Хусусан, ана шундай сўхбатларимиздан бири парламент дипломатиясини, тинчликпарвар миссияни кенгайтиришга бағишланди. Парламент дипломатияси тўғрисида Афғонистон парламентининг барча аъзосини баҳс-мунозараларга жалб қилишиси мумкин. Шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларининг вакиллик органларида аёлларнинг фаол иштирок этишини таъминлашга қаратилган тadbир ҳам режалаштирилган.

Хулоса ўрнида айтганда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси одамларнинг ҳаёт си-

фатини яхшилаш, чуқур иқтисодий ҳамда ижтимоий ислохотларни амалга оширишга қаратилгандир. Зеро, мамлакатингиздаги ўзгаришлар бутун минтақага ижобий таъсир кўрсатмоқда. Фаол ташқи сиёсат яхши қўшнилик муносабатларида дўстлик муҳитини яратишга ёрдам беради. Минтақа мамлакатлари ўртасидаги алоқалар жадал ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлашни истардим. Юқори даражадаги ташрифларни фаоллаштириш фақат фойда беради. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги давлатлар, яъни ўз қўшилари билан муносабатларни мустақамлашга катта эътибор қаратаётгани диққатга сазовордир. Бу ҳар томонлама ҳамкорлиқни ривожлантириш, сувдан фойдаланиш каби мураккаб масалаларни ҳал қилишга имкон беради. Ҳатто яқин ўтмишда ҳам Марказий Осиё республикаларида бу масалаларни муҳокама этиш қийин кечди. Ва энди ишончли ҳамда очик мулоқот мавжуд. Ҳал қилиниши лозим бўлган қалтис масалалар кўлами борган сари камаймоқда. БМТ ушбу жараёнинг ривожланишига ҳар томонлама хисса қўшишга тайёр. Афғонистоннинг минтақага жалб этилиши мазкур тенденциянинг мантқий давомидир. Агар минтақа ўзаро умумийлиқни теран англаса, қўшни мамлакат бўйича жараёнларга интеграциялашуви осон кечди.

**«Халқ сўзи» мухбири
Омонулла ҲАЙЗИЕВ
ёзиб олди.**

Халқро пресс-клубдан олинган сурат.

БАТАН ТАРАҚҚИЁТИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ

бугун пойтахтимизда очиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида қўриб чиқиладиган масалалар ушбу мақсадларга қаратилган.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кеча парламент юқори палатаси кўмиталарида ялпи мажлис кун тартибига киририлган долзарб масалалар дастлабки тарзда қўриб чиқилди. Сенаторлар ҳар бир масалани масъул идоралар, жамоат ташкилотлари мутахассислари иштирокида атрофича муҳокама қилдилар.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг мазкур банкнинг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботида келтирилган рақамлар, далилларга сенаторлар жиҳидий эътибор қаратган ҳолда, уни муфассал қўриб чиқдилар.

— Айтиш мумкинки, мамлакатимизда аҳолининг муносиб ҳаёт кечиришга зарур шарт-шароит яратиш, ҳар бир оиланинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш устувор вазифалардан ҳисобланади, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси аъзоси Шуккуржон Маматқулов. — Шу нуқтаи назардан айтганда, ўтган йилда Марказий банк томонидан қўрилган чора-тадбирлар банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада мустақамлаш, унинг тadbиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги ролини кучайтириш ҳамда инвестиция жараёнидаги иштирокини фаоллаштириш имконини берди. Шунингдек, мамлакатнинг макроиктисодий барқарорлигига таъсир кўрсатди. Айниқса, ўтган йилда валюта сиёсати ва бозорини эркинлаштириш бўйича амалга оширилган савий-ҳаракатлар натижасида 2017 йил сентябрдан бошлаб валюта курсини бозор механизмлари асосида белгилаш жорий этилди. Аҳоли ҳамда тadbиркорлик субъектлари учун валюта маблағларини сотиш, сотиб олиш ва тасарруф қилишга қўйилган чекловлар олиб ташланди. Албатта, бу тadbиркорларга янада кенг имкониятлар тақдим этган ҳолда, одамларни қийнаётган муаммоларга барҳам берди.

Кўмиталарда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман)нинг ўтган йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботида келтирилган рақамлар, далилларга сенаторлар жиҳидий эътибор қаратган ҳолда, уни муфассал қўриб чиқдилар.

даги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот юзасидан қизғин фикр алмашилди.

Инсон ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлашга қаратилган ислохотлар бугун халқимиз манфаатларига хизмат қилмоқда, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Азимжон Латипов. — Бу борадаги савий-ҳаракатлар натижасида инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш миллий тизимида ҳам тўб янгиланишлар рўй бераётир. Бинобарин, Омбудсман тўғрисидаги қонунга киритилган ўзгариш ҳамда қўшимчаларга мувофиқ, Бақилга инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги қонун ҳужжатларига рия қилиниши устидан парламент назоратини таъминлашда янги ваколатлар берилди, қонун устуворлиги ҳамда адолатли қарор топтиришга оид ҳуқуқлари кенгайтирилди. Ушбу йўналишда фаол иш олиб борилмоқда. Ўтган йили Омбудсман номига 9 мингдан зиёд мурожаатлар келиб тушгани ва улар юзасидан тегишли чоралар қўрилгани бунинг амалии ифодасидир.

Бундан ташқари, ушлаб турилган ҳамда қамоққа олинган шахслар ҳуқуқлари ҳимоясини ташкил этиш ва бу борада парламент назоратини таъминлаш мазкур институтнинг устувор вазифаларидан бири саналади. Ўтган йили Омбудсман бир қатор ҳазонни ижро этиш муассасаларида маҳкумлар ҳамда эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича комплекс назорат олиб борди. Бундай аниқ ва самарали чора-тадбирлар маҳкумларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ҳисобот даврида Омбудсман томонидан кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, шу билан бирга, халқро ҳамкорлиқни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар натижаларига ҳам эътибор қаратилди.

Кўмиталар мажлисларида сенаторлар ҳисоботлари, шунингдек, ўз ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА.

АҚШ Давлат департаменти Афғонистон бўйича Тошкент конференциясига муносабат билдирди



◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Конференцияда 27 мамлакат ҳамда халқро ташкилотлар вакиллари қатнашиб, улар Афғонистон раҳбариятига тинчлик жараёни йўлида яқдил аниқликларини намойиш этди. 28 февраль куни ўтган “Қобул жараёни” конференциясига асосланиб, ҳар бир делегация Президент Мухаммад Ашраф Ганининг Афғонистондаги можарони тинч музокаралар йўли билан тартибга солиш ҳамда ярашиш жараёнига қўшилишга доир тақлифни маъқуллади. Жалон ҳамжамияти “Толибон” ўзининг зуравонлик ҳаракатларини тўхтатиш учун масъул, деган фикрни бирдек ёқлайди

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ
тайёрлади.**

Ижтимоий тармоқларда

Афғонистон масаласи бўйича Тошкентда ташкил этилган халқро конференцияга бутун дунёда қизиқиш юқори бўлганини куйидагилар ҳам яққол кўрсатади:

1. Ҳозиргача **#UzAfg2018** ҳештегидан 7 миллион марта фойдаланилган.
2. Жаҳоннинг нуфузли шахслари Афғонистон бўйича ўз муносабатини ёзмада ва унда **#UzAfg2018** ҳештегини илова қилаётти.
3. Ўзбекистон Афғонистон муаммосига халқро ҳамжамият эътиборини қаратишга эришди. Ҳап шундаки, Афғонистон масаласи жаҳон янгиликларига энг кўп қайд этилган мавзу бўлди. **#Afghanistan** ва **#Uzbekistan** ҳештеги эса twitterда тренда айланди.



Helena Fraser @HelenaFraserUN · 60 мин.

Kudos to @GOVuz for partnering with #Afghanistan to deliver a successful conference on peace, security cooperation & regional connectivity. Strong support from all delegations for regional economic integration building on historical cultural & social ties. **#UzAfg2018**



UNAMA News @UNAMAnews

The newly invigorated peace process is essential for #Afghanistan and the region... The United Nations stands ready to support your efforts to build a secure and prosperous region.' — UN Secretary-General ...

Язык твита: английский



«Ўзбек дипломатиясининг катта муваффақияти»

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Россиянинг “Regnum” ахборот агентлиги ўзбек дипломатиясининг афғон йўналиши-

REGNUM
ИНФОРМАЦИОННОЕ АГЕНТСТВО

да сезиларли даражада фаоллашганини эътироф этди. Бу тенденция афғон муаммосини ҳал қилмай туриб, Марказий Осиёнинг изчил таракқиётини таъминлаб бўлмаслиги билан боғлиқлигини таъкидлаб, журналистлар қуйидаги фикрни билдирди: “Тошкент Афғонистон ҳудуди орқали Жанубий Осиё давлатлари бозорларига чиқиш-ни ҳам режалаштирмоқда. Ке-

Dispatch News Desk **англиклар хизмати** бўлиб ўтган халқро анжумани “Ўзбек дипломатиясининг катта муваффақияти”, дея таърифлади. Агентлик томонидан тарқатилган материалда республикамизнинг Ўзбекистон ҳудудида тинчлик жараёнини исталган босқичида Афғонистон ва “Толибон” ҳаракати ўртасида тўғридан-тўғри музокараларни ташкил этиш учун барча ша-

роитни яратиб беришга тайёрлиги юқори баҳоланди. Ўз навбатида, **Туркиянинг “TRT World” телеканали** мухбирларининг Тошкентдан махсус репортажида Ўзбекистоннинг Афғонистонга иқтисодий жиҳатдан ҳам кўмак бераётгани маълум қилинди. Жумладан, юртимиз

томонидан қўшни давлат ҳудудида қатор йирик лойиҳалар амалга оширилаётганини таъкидлар экан, “TRT World” журналистлари мазкур чора-тадбирлар мамлакатда янги иш ўринлари яратиш ҳамда унинг транзит салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилишга аҳамият қаратишди. Уларнинг фикри-

ча, “Одамлар тинч ва доимий меҳнат билан банд бўлгандагина жаҳофаш афғон заминидан оқсийиштли қарор топади”.

Араб тақлилчиси Умаир Жамал Япониянинг “The Diplomat” журналида чоп этган мақоласида конференция

THE DIPLOMAT
Read The Diplomat, Know the Asia-Pacific

яқунда қабул қилинган Тошкент декларациясини таҳлил этди. Ушбу ҳужжат Афғонистонда ўзаро курашаётган томонлар ўртасида сермахсул музокаралар олиб бориш учун шарт-шароитлар яратиб беришга хизмат қилади. Мутахассис Ўзбекистон Афғонистонда ҳам бошқа қўшни мамлакатлар билан муносабатларда эришилган тизимли ўзгаришларга эришишга умид билдиради.

Анвар МИРЗАЕВ
«Халқ сўзи» тайёрлади.

«Саробга алданганлар қисмати»

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида давримизнинг глобал муаммоларидан бири — терроризм ва унинг хатарли оқибатларига бағишланган “Саробга алданганлар қисмати” китобининг тақдими бўлиб ўтди.

ЯНГИ КИТОБ

“Zamon-press-info” нашриёт уйи томонидан чоп этилган ушбу асар ҳаётий воқеалар асосида ёзилган. Унда муқаддас ислом динини никоҳ қилиб олган ёвуз қушлар томонидан дунёнинг турли нуқталарида амалга оширилган жиноий хатти-ҳаракатлар ҳамда уларга қўшилиб қолган, айни пайтда ушбу гуруҳларнинг соф исломий қадриятлардан йироқ эканлини ақл-идроки билан тушуниб этган ҳамюртларимизнинг кечмишлари, иқрор ва тазаррулари ўрин олган.

М. ТОЖИЕВА.

Истиқлолимиз меъмори хотирасига эҳтиром



Дилера ЧИРКОВА олган сурат.

Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ва идоралар, иждодий ҳамда жамоат ташкилотлари, маънавият, таълим-тарбия, санъат соҳаси вакиллари, талаба-ёшлар қатнашди.

ТАНЛОВ

Тadbирда истиқлолимиз меъмори, давлатиятимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши учун фидоийлик кўрсатган Биринчи Президентимизнинг хотира-си қалбларда боқий қолаж-га таъкидланди. Мазкур танлов ҳам Улуғ Йўлбошимиз хотирасини абадийлаштириш, амалга оширган эзгу ишларини оммалаштиришга хизмат қилади.

Танловга 2017 йилнинг 31 декабригача 2016-2017 йилларда республика ва хориқ газета ҳамда журналларида, интернет нашрларида турли тилларда чоп этилган 900 га яқин материаллар қабул қилинди. Улар орасида чуқур таҳлилий мақолалардан тортиб, китоблар, фильмлар, шерьий тўпмалар ва шерьлар, веб-саҳифалар, шунингдек, олий ўқув юртлири талабалари, академик лицей, касб-хўнар коллежлари ҳамда мактаблар ўқувчилари томонидан ёзилган рефератларгача бор. Тақдим

этилган материалларни адолатли қўриб чиқиш учун танлов хайъати таркибидида маълумки мутахассислар, олимлар, тарихчилар, ёзувчилар, журналистлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Иждодий ишлар мазмунан теранлиги, муаллифнинг илмий манбалардан кенг фойдаланганлиги, бадиий савиясининг юқорилигига қўра баҳоланди.

Ғолиблар пул муқофоти ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди. Тadbирда санъат усталари ва Ўзбек Миллий академик драма театри артистлари томонидан концерт дастури намойиш қилинди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Ислам Каримовнинг рафиқаси Т. Каримова иштирок этди.

Дилшод КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон жаҳон аҳлининг ҳамиша эътиборида

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунда ижтимоий-иктисодий, маданий-маърифий йўналишларда олиб борилаётган ислохотларда инсон ҳамда унинг манфаатлари биринчи ўринга қўйилаётгани эса мамлакат нуфузини халқаро ҳамжамиятда оширмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларнинг инсонпарварлика йўғрилган гоғлари юрт тараққиёти ва фўқароларнинг бахт-саодати, тинчлик-осойишталиғи йўлида хизмат қилаётгани алоҳида эътирофга молик. Мамлакат ривожига ҳамда одамлар розилиғи унинг дўст ва ҳамфикрлари кўпайишини таъминлаши таъбиий. Ўзбекистоннинг турли соҳаларда ишончли ҳамкорлари сонига халқаро майдонда тез ортиб бораётгани ҳам бежиз эмас.

Ўзбек заминидан етишиб чиққан буюк аллома ҳамда мутафаккирлар қийинчилик ва оғир синовларга қарамасдан, илму фан равнақи йўлидаги гоғлари учун кураш олиб боришган. Бугунги кунда уларнинг бутун маърифатли дунёга ўрناқ ҳамда дастурил-амал бўлишга арзийдиган бой илмий меросини ўрганиш зарур. Бу бебаҳо бойлик фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки эканилигини айтиб ўтиш зарур. До-нишмандлиғи билим манбаи бўлиб хизмат қиладиган бундай улкан хазинадан қанча кўп улуш олсак, у шунча кўпайиб бораверади. Бугунги кунда дунёнинг турли бурчақларидаги хунрезликлар, ҳал этиб бўлмагандек кўринган муаммолар ечимини ҳам ислом маданияти, фани ривожига улкан ҳисса қўшган Ўзбекистондаги илму фан хазиналаридан излаб топиш лозим, деб ўйлайман.

Темуҳрон наслиддин султон Улугбек, Ки олам кўрмиди

султон анингдек, дея ўзи ҳам теуирийлар наслидан бўлган Алишер Навоий васф этган ўзбек халқининг буюк фарзанди, жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган беазир аллома ҳамда давлат арбоби Мирзо

Улугбекнинг юлдузлар глобуси Лондондаги техника ва теҳнологиялар марказида сақланиб келинади. У математика, астрономия фанининг энг илгор олимларини Самарқандга қорлади, шаҳар четида жаҳонга машҳур расадхона қурдирди. Бунгача Мирзо Улугбек мадрасаси фалакиётни кузатишга доир илмий ишлар олиб борилган мукаммал олий таълим маскани бўлиб, ўз даврининг ўзига хос университетга вазифасини бахарган. Бўҳородаги нуфузли мадраса эшиғига Мирзо Улугбек томонидан “Илм олишга интилиш ҳар бир мусулмн ва мусулмага учун фарздир”, деган ҳадис битилгани эса Мовароуннаҳрда илм-фанга Урта асрлардаёқ нечоғли улкан аҳамият берилганини исботлайди. Мирзо Улугбек ҳамда унинг мактабига мансуб олимлар эклиптика оғмалиги, юлдуз йилининг ҳисоби, сайёраларнинг йиллик ҳисобини аниқлаш каби масалаларда тўплаган маълумотлар аввалгига буюк алломалар эришган натижалардан ўта аниқлиғи билан ажрალიб туради эди. Унинг юлдузлар каталоғи 1690 йили поляк олими Ян Гевелийнинг “Астрономия дарақчиси” номли асарида нашр этилган ва бу асарда Мирзо Улугбек Клавдий Птолемей, Тихо Браге, Жованни Баттиста Риччиолли, Вильгельм IV ҳамда Ян Гевелий даврасида, тўғрақ стол атрофида астрономия маъбудаси Ураниянинг ўнг томонида биринчи бўлиб ўтирибди. Унинг ўринидиги орқасида “Ўз ишимни муносиб авлодларимга қолдирдим”, деган сўзлар битилган.

Мирзо Улугбек агар ҳозир ҳаёт бўлганида ойга биринчи бўлиб ўзбеклар қадам қўйган бўлишарди. Мирзо Улугбекнинг улкан салтанатни бошқаришдек масъулятига вазифалардан ортиб қомусий билимлар эгаси бўлгани, бир-бирига қарама-қаршидек туюлган математика ва тарих фанларида ҳам беқиёс асарлар ёзгани ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Бу буюк зотга тааллуқли мероснинг бир қисми Буюк Британиянинг музей ҳамда кутубхоналарида ҳам сақланиб келинаётгани бизда чексиз фахр уйғотади. Ёки ал-Хоразмий

бўлмаганида, замонавий теҳнологиялар ҳам бўлмасди. Тўғри, у пайтларда ўта мураккаб масалаларни сониянинг мингдан бир қисмида еча оладиган бугунги компьютерлар йўқ эди, аммо алжабрнинг мураккаб масалалари қадим Хоразмда бармоқ учларида ҳал қилинар экан. Бу жуда қизиқ ҳодисани ўрганиб, ҳозир ҳам ҳаётга татбиқ этса бўлади. Бундан ташқари, Европа ва дунёнинг бошқа жойларидаги энг нуфузли тиббиёт ўқув даргоҳларида медицина соҳаси қадим Бўҳоронинг Афшоно қишлоғида таваллуд топиб, “Шайх ур-раис”, яъни “Шайхларнинг шайхи” номи билан бутун дунёга донғи кетган Абу Али ибн Сино асарлари асосида ўргатилмоқда. “Медицина” сўзи ҳам “мадди Сино” сўзининг Европа тиллариға ўтган шакли экани кўпчиликка маълум. Булар исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатлардир.

Биз Ўзбекистон маданияти, диний-илмий мероси, ажодлар таълимоти воситасида ёш мусулмонлар орасида радикаллашувга қарши курашишимиз керак. Имом Бўҳорий ҳодисларини Европа тиллариға таржима қилиб, атрофлича шарҳлари билан нафақат Буюк Британия, балки бошқа йирик давлатларда нашр қилиш, шу тариқа дунёни ларзага солаётган жаҳолатга қарши курашиш лозимлигини вақт ва шароитнинг ўзи тақозо этмоқда. Экстремизм, радикализмга қарши курашда исломнинг асл манбалари — Имом Бўҳорий ҳадислари, Насафий тафсирлариға мурожаат қилиш керак. Ушбу оқилона тақлифларни юксоқ минбарларда додил илгари сурган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларини тўла қўллаб-қувватлайман. Ислом маданияти ҳамда маърифатини тушуномқчи бўлганларни Ўзбекистонга олиб бориш зарур. Улар маърифий исломнинг ҳақиқий моҳиятини шу ерда кўрадилор.

Буюк Британияда ҳам Абдуҳолик Фихудувоний асос солган ва Баҳауддин Нақшбанд тақомилиға етказган жоҳогон-нақшбандия тариқатининг қўллаб вақилла-

ри истиқомат қилишади. Уларнинг етмишдан зиёд жамоалари бу мамлакатнинг турли шаҳарларида кенг тарқалган. Бугунги кунда Ўзбекистонда Баҳауддин Нақшбанд ҳазратлари ҳамда тасаввуф алломалари илмий меросига қаратилаётган юксоқ эътибор британиялик мусулмонларға гурур ва мамнуният бағишламоқда. Биз учун Бўҳородан олис бўлган Лондонда туриб, инсон камолоти ҳамда руҳий тарбиясининг беқиёс манбаси бўлган Нақшбандия таълимотига амал қилиш ўта муҳим. Яқин орада Ўзбекистондаги етти пир қадам-жоларини зиёрат этиш, Фихудувоний ва Нақшбанд ҳазратларининг таваллуд саналариға бағишланган халқаро анжуманларда қатнашиш ниятидаман.

Имом Бўҳорий ҳамда Мирзо Улугбекдек буюк зотларни улғайтирган Ўзбеки-

Мўъжизалар давом этади, ҳайратлар ортаверади

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунки улар тарихий аҳамиятга эга бунёдкорлик ишларида иштирок этаёттилар. Бинобарин, линия илгари қўлланмаган янғича, яъни эстакада усулида бунёд этилади-да. Бунда йўл кўприксимон тарзда бўлиб, поездлар ер устида ҳаракатланади.

— Қурилиш санаотидаги ушбу ноёб лойиҳани амалга ошираётганидан жамоамиз мамнун, — дейди отряд ишчиси Самандар Нурматов. — Иш бир зум ҳам тўхтаётгани йўқ. Зарур маҳсулотлар ўз вақтида келтириляпти. Техника ва механизмларнинг барчаси замонавий.

Янги ер усти метро халқа йўлининг умумий узунлиғи 52,1 километр. Йўналишда поездлар соатиға ўртача 60 километр тезликда ҳаракатланиб, қатнов йўлни босиб ўтиш вақти 1 соату 10 дақиқани ташкил этади. 2017—2021 йилларға мўлжалланган мазкур лойиҳа беш босқичда рўёбга чиқарилади. Унда 38 та бекат ўрин олади. Дастлабки босқичда Тошкент метрополитенининг “Дўстлик” бекатидан Қўйлик бозоригача бўлган еттига бекатдан иборат қисми қурилса, кейинчалик у “Олмазор”, “Беруний”, “Бодомзор” ҳамда “Тузель” бекатлари орқали яна “Дўстлик” бекатига туташтирилади. Натижада яхлит метро халқаси яратилади. Лойиҳаға кўра, мазкур метро йўли Яшнобод, Учтепа, Олмазор, Юнусобод, Чилонзор ҳамда Сергели туманлари худудидан ўтади. Иншоот шаҳарнинг ривожланиш режалари, йўловчилар оқими, тураржой мавзёлари, ишлаб чиқариш, савдо ва дам олиш масканлари жойлашуви, муҳандислик-геологик шароитлари инobatта олинган ҳолда

қурилмоқда. У тўлиқ ишға тушиши билан йилиға 14 миллион нафардан ортиқ йўловчиларға хизмат кўрсатиш имконияти вужудға келади.

— Туманимиз таниб бўлмас даражада ўзгараяпти, — дейди Маъсуда Қурганбекова. — Қаранг, бир томонда кўп қаватли уйлар, уларнинг ёнғинасида метро йўли барпо қилинаяпти. Бу аҳоли учун жуда катта қулайлик. Уйларнинг шинамлигини айтмайсизми?! Президентимиз ташаббуси билан тураржойларнинг арзон нархларда, узoқ муддатли ипотека кредити асосида тақдим этилаётгани эса янада қувонарли. Ўзим етмиш ёшдаман. Икки нафар қизим, беш нафар неварам бор. Катта қизим яқинда шу ердаги хонадонлардан бирини олди. Насиб қилса, метро куриб битказилса, уникиға келиб-кетишимиз янада осонлашади.

Кўп йиллар бухгалтерия соҳасида меҳнат қилдим. Ишға қатнашда транспорт масаласида қийналган пайтларимиз ҳам бўлган. Сергели деса шаҳарнинг бир чеккаси тушунилгани ҳам бор гап. Айниқса, мана шу иморатлар ва метро йўли қурилаётган худудлар дала жойлар эди. Тартибсиз экилган дарaxтлар, қаровсиз ерлар... Хуллас, эътибордан четда қолган майдонлар эди.

Энди вазият тамоман бошқача. Қўшимча автобус йўналишлари ташкил этилиб, намунавий маҳаллалар пайдо бўлмоқда. Богча, мактаб, дукон... яшаш учун нимаки зарур бўлса, барчаси муҳайё этиляпти.

Дарҳақиқат, метро қурилиши Президентимизнинг доимий эътиборида. Ҳар сафар Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари билан танишганида, метро қурилишиға ҳам алоҳида

тўхталиб, халққа янада қулайлик яратиш мақсадида ўз тавсия ҳамда кўрсатмаларини бермоқда.

Юнусобод йўлининг иккинчи босқичини барпо этиш бўйича ҳам бир қатор ишлар бажарилмоқда. Хусусан, 2,93 километрлик янги йўналиш ер остида барпо этилиб, 2019 йилда тўлиқ ниҳоясига етказилади. Бу орқали Юнусобод метро йўналиши яна икки та — Юнусобод ва Туркистон бекатларига узайтирилади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам ўзига хос меъморий ечим асосида бунёд этилмоқда. Бекатларда замонавий эскалатор ва турникетлар ўрнатилади.

Қурилиш ишлари икки хил — ёпиқ ва очиқ усулда олиб бориляпти. Линиянинг ёпиқ қисмидаги ишлар учун Германиядан горизонтал бурғилаш ускунаси келтирилган. Бундан ташқари, жараёнда Италия, Хитой, Сербиядаги машҳур корхоналарнинг илгор техникаларидан фойдаланилмоқда.

Ўз вақтида, яъни қирқ бир йил илгари метро ишға туширилиши туфайли азим Токентимиз ривожланган шаҳарлар қаторидан ўрин оғаллаган эди. Ўша даврдаги мураккабликларни инobatта олсак, бу катта жасорат талаб этувчи ҳамда мўъжизавий иш эди.

Ҳозир узунлиғи 39 километр ва бекатлари сонига 39 тани ташкил этган метромизда кунига 180 — 200 минг нафар йўловчи манзилиға етказиб қўйилмоқда. Умуман, юрт тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлидаги бу каби лойиҳалар бор экан, мўъжизалар давом этаверади.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ёш томошабинлар театри Лондонда

Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри ижодий жамоаси Буюк Британия пойтахти Лондонда ташкил этилаётган “Осиё Наврўз баҳори” халқаро фестивалида қатнашади. Жамоа жорий йилининг 3 апрелиға қадар давом этадиган анжуман доирасида Лондон универси-

тетига коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети коллежи, Кембриж университети ҳамда бошқа бир қатор масканларда театр

тети колле